

РЕЗЮМЕ. Ушбу мақолада шоир Ўсербай Алеуовнинг ижодида тинчлик, осойишталик мавзусида яратилган шеърлари ҳақида сўз юритилади. Шоир лирикасида осойишталикни бузишга уринаётган урушлар, ядро қуроқларининг инсониятга ва бутун оламга зарари, табиатда мувозанатнинг бузилиши ҳақидаги фикрлари билан танишасиз. Шоирнинг ер сайёрасини асраш, тинчликни таъминлаш бўйича билдирилган фалсафий фикрлари ҳақида баён этилади.

РЕЗЮМЕ. В этой статье вы узнаете о мыслях Усербая Алеуова о мире и спокойствии. В лирике поэта вы узнаете о войнах, пытающихся нарушить мир, вреде ядерного оружия для человечества и всего мира, нарушении равновесия в природе. В ней рассказывается о философских размышлениях поэта о сохранении планеты и мира.

SUMMARY. In this article, you will learn about the thoughts of the poet Userbay Aleuov about peace and tranquility. In the poet's lyrics you will learn about the wars that try to disrupt peace, the harm of nuclear weapons to humanity and the whole world, the disturbance of balance in nature. It tells about the poet's philosophical thoughts on the preservation of the planet and peace.

ЭРТАК ТИП СЮЖЕТЛИ ДОСТОНЛАРНИНГ ЖАНРИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

(«Шахриёр», «Шийрин-Шекер», «Қаншайым», «Муңлық - Зарлық»,
«Тулым бий», «Жәхәнша» достонлари мисолида)

Ш.К.Кенесбаева - филология фанлари бўйича фалсафа доктори
Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институтини

Таянч сўзлар: эртақ тип сюжетли достонлар: «Шахриёр», «Шийрин Шекер», «Қаншайым», «Муңлық - Зарлық», «Тулым бий», яққалиқ ижодий дастурлари.

Ключевые слова: сказочные эпосы: «Шахриёр», «Шийрин шекер», «Ганшайым», «Мунлык-зарлык», «Тулым бий», одиное творчество программы.

Key words: fairy-tale epics: "Shahriyor", "Shiyryn Sheker", "Qanshayym", "Munlyq - Zarlyq", "Tulym biy", singles creative programs.

Қорақалпоқ достонларининг жанрий хусусиятларини ўрганишимизда эртақ шаклидаги асарлар билан боғлиқлигини кўрамиз. Достонларда ҳаёлий эртақлардаги каби воқеаларнинг берилишида инсоният орзу-умидларидан пайдо бўлган фантастик ҳодисалар жуда кўп учрайди. Масалан, инсон “дуо”нинг кучи билан тошга айланади, дуонинг ёрдами билан қайта жонланади. Масалан, қорақалпоқ халқ достони “Шахриёр” шарқда кенг тарқалган “Минг бир кеча”, “Мунглик-Зарлик” ва бошқа достонларни эсга солади. Шу билан бирга “Шахриёр” достони тилида, воқеаларида бошқа достонлар каби бир-бирига алоқадорлик сезилади. Масалан, подшоҳнинг узок вақт фарзандсиз бўлиб, тахтни ўйлаб ғам чекиши, гуноҳсиз кишиларнинг адолатсизлик туфайли зиндонбанд қилиниши, унга чўпоннинг ғамхўрлиги, узок айрилиқдан кейин асар охирида ижобий қаҳрамонларнинг мурод-мақсадларига етиши, қаҳрамонларнинг тақдирида ялмоғиз кампирнинг аралашishi ва бошқа деталлар кўпгина халқ достонларида учрайди. Бу ўз навбатида таълим-тарбиядаги ўзаро боғлиқликларни, педагогик фикр-мулоҳазаларни, умуминсонийлик сифатларини мужассамлаштиради.

Достонда чорвачилик, боғдорчилик, паррандачилик ва бошқа касб-хунарлар ҳақида сўз юритилганда, инсон ҳаёлида жуда кенг ўрин эгаллаган: ер остида юриш, олти ойлик йўлни кўз очиб юмгунча босиб ўтиш, ҳақиқатдан йироқ ҳаракатлар, ҳар хил табиат кучлари устидан инсоннинг ғалаба қилиши, сувда балиқ каби сузиш, ҳавода куш каби учиб сингари ғайри табиий воқеа-ҳодисалар ҳақида сўз юритилади.

Анжим:

-Таўекелши ол алла,
Таўекелши мен,-деди.
-Узактан келген талабанман,
Айтсаман,
Оқсаман,
Қандарым қуссан сен,-деди,
-Шик қапестен сен-деди.

Булбулғоя сонда:

-Қуда урған адамзат,
Жәлил урған адамзат,
Меннен көрме, Қудадан көр,-
деп ол кәпестен шығады,
Шақасына қонады [5:100].

Шахриёрнинг синглиси Анжимнинг ёрдами билан Булбулғёени енгиб келгандан кейинги эпизодларда ўз ифодасини топади. “Шахриёр” достонининг сюжети ҳар хил шаклда берилиши тўлиқлиги, ҳар жиловдан таълимий-тарбиявий мулоҳазаларни беришда хусусий

фарқлар мавжудлиги асосан достоннинг Есемурат, Отениёз, Куламет, Қиёс жилов вариантларида алоҳида кўзга ташланади. Бу вариантлар чин маънода халқчил бўлиши билан бирга, этнопедагогик мулоҳазаларнинг гавдаланиши жиҳатидан такомиллашган ажойиб “педагогик достон”нинг намуналари эканлигини айтиш мумкин.

Достонда учрайдиган “Умидсиз шайтон”, “Тилла кўрса фаришта йўлдан чиқади”, “Худо қарғани – тангри ургани”, “Ота ҳаққи – худо ҳаққи, Она ҳаққи – пайғамбар ҳаққи”, “Ота рози бўлмаса худо рози бўлмайди, Худо рози бўлмаса, ота рози бўлмайди”, “Она рози бўлмаса Қаббага юз минг тавба қилсанг ҳам тавбанг қабул бўлмайди”, “Юрганда йўлинг бўлсин, йўлдошинг Хизр бўлсин”, “Ош қайда бўлса, ҳады шунда”, “Аллоҳдан фармон келса, банданинг ўлиши бегумон”, “Ёмоннинг ҳусни – кийим”, “Яхши ит ўлигини овлоққа ташлайди” ва шунга ўхшаган халқ афоризмлари фақатгина тарбиявий ғояни билдириб қўймасдан, шу билан бирга тарбиявий масала, дидактик маънога эга бўлади. Булар педагогик интуицияга ва педагогик бир бутунликка асосланади. Халқ донишмандлик талаблари, кўрсатмалари, тилақлари, мулоҳазалари бошдан-оёқ педагогик интуиция ва педагогик бир бутунликдан келиб чиқади.

Ёш авлодга эмоционал (ҳиссий) таъсир кўрсатиш мақсадида халқ афоризмларининг оҳангига, ўхшашлигига катта эътибор берган. Достонни ўрганишда ҳозирги даврда учрайдиган кўплаб мақолларни, термаларни учратамиз. Унда Ватанни севиш, дўстлик, деҳқончилик, чорвачилик ва бошқа масалаларга боғлиқ таълим-тарбия турларини аниқладик.

Туркий халқлари ва жаҳон халқлари орасидаги эпослар билан “Шахриёр” достонини таққослаб ўрганишимизда, атоқли олимлар М.Нурмухаммедов, Қ.Мақсетов, А.Каримов ва бошқаларнинг филологик аспектда билдирган таълимий-тарбиявий характердаги илмий фикрларига таяндик.

М.Нурмухаммедов “Шахриёр” достони билан А.С.Пушкиннинг “Шоҳ Салтан ҳақида эртақ” поэмасида адолатсизлик ва ноҳақлик қурбонига айланган она ва бола сюжет мотиви ўхшашлиги, умуман, шундай образлар тизими типологияси ҳақида сўз юритганда, ушбу мотивларнинг тарбиявий аҳамият касб этадиганлигига ҳам шама қилади, яъний айрим қаҳрамонларнинг ижобий ҳаракатларининг тарбиявий аҳамиятига ҳам урғу беради [3:17, 32]. Қ.Мақсетов эса, “Шахриёр” достонидаги Шахриёрнинг боғ яратиш эпизоди тимсолида меҳнат қилиш ҳақидаги ўй-фикрларни ўртага ташлайди [2:107].

“Шахриёр” достонининг сюжетиға ўхшаш мотивларни туркий халқлар эртақларида: “Подшоҳ ва қизлар”, “Дилрўкаш” эртаги билан қиёслаганимизда унинг тарбиявий моҳияти бир-бириға мос келишини кўрдик [4:102-115]. “Подшоҳ ва қизлар” эртагидаги подшоҳнинг кечаси юртни кезиб юриб, бир ерда уч қариндош қизнинг ўзаро суҳбатини тинглаш эпизодида “Шахриёр” достонидаги худди шундай сюжетлик мотивлар билан ўхшашликлар мавжуд ва унда оила, меҳнат, одоб-ахлоқ, тарбияси масаласи элементларини аниқлашға бўлади.

А.Каримов “Шахриёр” достони билан қозоқ халқининг “Мунглик-Зарлик” достони билан боғлиқ ва ўхшашлигини даллиллашға шахдам қадам ташлаган, иккисининг манбалари бир жойдан пайдо бўлган деб хулосаға келган. Достоннинг қорақалпоқ версияси сюжетлари “Мис минорадаги тулғаси жез қиз” эртақлари билан ўхшаш эканлигини илмий жиҳатдан аниқладик. Шунингдек, “Аёз”, “Ҳасан ва Ҳурлиқ”, “Ҳасан ва Зухро” сингари ўзбек халқ эртақларининг “Шахриёр” достони билан мазмундош эканлигини айтиб ўтишимиз мақсадға мувофиқдир [1:107-114].

И.Винников томонидан Бухоро арабларидан ёзиб олинган “Уч жонон” эртагининг айрим эпизодлари “Шахриёр” достонини эсга солади. Қозоқ халқининг “Олтин айдар”, қирғиз халқининг “Беҳаё хотинлар” эртақлари воқеалари ривожки давомида айрим фарқ-

ларни ҳисобға олмаганда икки эртақ мазмуни бўйича бир-бириға ўхшаш ҳисобланади. Тадқиқотимиз жараёнида ушбу асарлардаги бир қанча эпизодларнинг бир-бириға яқинлигини ва таълим-тарбиявий аҳамиятини аниқладик. Хуллас, эртақлар достонлардан аввал пайдо бўлганлиги учун халқ орасида тез тарқалди. Ижрочилар уларни яшаш шароитиға мослаштириб фойдаланди. Бундай андиша келажакда яратиладиган асосий эпик асарлар бўлган достонларнинг сюжет йўналишиға катта таъсир кўрсатган. Қирғизларнинг “Ҳасан ва Хусан”, “Ойсултон”, туркманларнинг “Галандер султон”, “Гулжаҳон” эртақлари, ўзбек халқ достонлари “Одилхон”, “Ширин-Шакар”, қозоқ халқ достони “Мунглик-Зарлик”нинг қорақалпоқ халқ достони “Шахриёр” билан ифода этилган тарбиявий йўналиши жуда ўхшашлигини кўрдик. Лекин, бу эртақлар ва достонларда ҳар бир халқнинг ўзига хос миллий анъаналари кўзға ташланади. Шунинг учун ҳам, бу ўзаро ўхшашликлар турли халқ достонлари, уларнинг ўзаро маданий алоқадорлик мевасигина эмас, балки, дастури, педагогик ўй-фикрлари, таълимий-тарбиявий методи ва услубларининг бир-бири билан алоқадорликда ривожланганлигидан, таълим-тарбиянинг жаҳон халқлари контекстида ривожланувчи категория эканлигидан деб қараш мумкин.

Адабиётлар

1. Каримов А. «Шәрйяр» дэстаны хэм оның туўысқан халықлар фольклоры менен байланысы. // «Эмиўдәрйя». – Нөкис: 1992. №4-5. 107-114-б. (61).
2. Максетов Қ. Дэстанлар, жыраўлар, баксылар. Илим изертлеў. - Нөкис: «Қарақалпақстан». 1992. 62-136-б. (71)
3. Нурмухаммедов М.К. Пушкиннің ертеклери хэм Орта Азия халықларының фольклоры. - Нөкис: «Қарақалпақстан». 1987. - 56 б. (79).
4. Турецкие народные сказки. - М.: 1959. 102-115-б. (153).
5. Шәрйяр. Қарақалпақ халық дэстаны. (Өтенияз хэм Қуламет жыраў вариантлары). / Қарақалпақ фольклоры. Көп томлық. XIII том. - Нөкис: «Қарақалпақстан», 1984. 236-б. (160).

РЕЗЮМЕ. Мақолада «Шахриёр», «Шийрын Шекер», «Қаншайым», «Мунлық - Зарлық» каби эртақ тип сюжетли достонларнинг жанрий, хусусан ижодкорлик хусусияти бўйича янги эстетик система эканлиги кенг таҳлил қилинади. Шунингдек, мақолада «Аманбай батыр» достони ҳам шу нуқтаи назардан тадқиқ қилинади.

РЕЗЮМЕ. В статье анализируется тот факт, что такие сказочные эпосы, как «Шахриёр», «Шийрын шекер», «Қаншайым», «Мунлық-Зарлық» представляют собой новую эстетическую систему в жанровом, а в творческом плане. В статье также с этой точки зрения рассматривается эпос «Аманбай батыр».

SUMMARY. The article analyzes the fact that fairy-tale epics such as "Shahriyor", "Shiyrin Sheker", "Qanshayym", "Munlyq - Zarlyq" are a new aesthetic system, in terms of genre, but in terms of creativity. The article also examines the epic "Amanbay batyr" from this point of view.

БЕРДАҚ ШЕЪРИЯТИ ЯНГИ ТАРЖИМАЛАРДА

Г.Курамбоева – филология фанлари номзоди, доцент

Тошкент педиатрия тиббиёт институти

Таянч сўзлар: шеърият, бадий таржима, адабиёт, китобхон, шакл, ижод, поэтика, ғоя, аслият.

Ключевые слова: поэзия, художественный перевод, литература, читатель, форма, творчество, поэтика, идея, оригинал.

Key words: poetry, literary translation, literature, reader, form, creation, poetics, idea, original.

Бердақ ижодига мурожаат, асарлари билан ўзбек китобхонларини таништириш жараёнлари сўнгги йилларда, айниқса, мустикалик даврида янада кучайди. Таржимонлар сафи кенгайиб борди. Бир вақтлар устоз шоир Миртемир бошлаб берган анъана изчил ривожланди, Бердақ асарларининг янги таржималарини тайёрлашға киришилди. М.Али, Г.Матёкубова, Э.Очилов, М.Аҳмад ва бошқа баъзи ижодкорлар Бердақ шеъриятдан намуналарни таржима қилиб матбуотда бостирди, айримлари китоб шаклида чоп эттирди. Биз шулардан фақат бир таржима китоб тўғрисида батафсилроқ тўхталмоқчимиз. Бу, олим ҳам таржимон Эргаш Очилов қаламиға мансуб Бердақнинг “Халқ учун” (2021) номли китоби.

Э.Очилов Бердақ асарлари таржимасиға ўзи “Халқига бахшида умр” деган сўз боши ёзиб, тўплам шаклида чоп эттирди. Китобға Бердақнинг эллик тўққиз шеъри таржимада киритилган. Мутаржим таржима учун шоирнинг энг сара, халқимиз орасида оммалашиб кетган шеърларини танлаб олган. Бердақ қаламиға мансуб “Халқ учун”, “Яхшироқ”, “Излар

эдим”, “Умрим”, “Бўлган эмас”, “Солиқ”, “Бўлмади” ва яна бошқа қорақалпоқ ҳаётининг бадий кўзгуси бўлган шеърлари таржима учун танлангани китобнинг муваффақияти.

Э.Очилов аслида профессионал шоир ёки ёзувчи эмас, олим-таржимон. Бироқ унинг ҳозирға қадар амалға оширган таржима асарлари профессионал шоир ёки ёзувчилар қилган таржималардан қолишмайди, бемалол “беллаша” олади.

Бердақ шеърлари ўзбек тилиға яхши ўтирилган. Асл нусхаларининг маъноси, поэтик оҳанги, ифода усуллари таржималарда меъёрида чиққан. “Халқ учун” шеъри ҳақиқий маънодаги инсонпарварликнинг бетакрор бадий ифодаси. Шеърнинг бир қатор бандлари афоризмларға айланиб, халқимизға ёд бўлиб кетгани ҳам ҳақиқат. Ғояси, бадийиети, таъсир салмоғи, ижтимоий-тарбиявий аҳамияти ўта жозибадор, ҳаётбахш бундай асарни бошқа бир тилға ўгириш катта талант ва масъулият талаб этади. Э.Очилов шеърнинг бу хусусиятларини чуқур ҳис қилиб, яхши ўтирган.